

Шу кунларда бутун мамлакатда бир жонланиш, бир ҳаракат уйғонганга ўхшаб туюляпти. Чунки Каримов ҳукумати кетма-кет турли қарор ва фармонлар билан янгиликлар лентасини тўлдирмоқда. Масалан, Тошкентда ўзбек тили ва адабиёти университетининг ташкил қилинишидан бўлак Ўзбекистон Миллий университети ва Тошкент давлат техника университетларини қайта ташкил қилиш ҳақидаги фармону қарорлар вазият яхшиланганига бир далилдек ва таълим соҳасида ўсиш бўлишига туртки берадигандек кўринмоқда.

Аслида, бу ишларнинг тагида нималар турибди? Биз бу қарору фармонлар сирини бир неча очкичлар билан тақдим қилсак.



КАРИМОВ РЕЖИМИ ТАЪЛИМНИ ИСЛОҲ ҚИЛМОҚДА (МИ?)

Биринчи очкич

Каримов 1997 йилда тасдиқлаган Кадрлар тайёрлаш тўғрисидаги Қарор, таълимда портлаш эффектини берадиган ислохотлар гапирилмаган кун йўқ Ўзбекистонда. Ҳамма газеталар, радиолар, телеканаллар таълим ҳақида гап бошласа, албатта, шу икки нуқтага урғу беради. Ўзбекистонда таълим зўр, бутун дунё лол қоляпти деб гапиришади, аммо бу гаплар ғирт ёлғонлигини билиб туришади. Балки биринчи август кuni тест имтиҳонларидан муваффақиятли ўтиш учун кимга қанча пора бериш ҳақида суҳбатлашадилар. Бу маълум гап, яъни ҳамма биладиган норасмий ҳақиқат! Каримовнинг Ўзбекистоннинг энг нуфузли университетларини қайта ташкил қилиш ҳақидаги қарори моҳиятан, аввало, у йигирма беш йилдан бериш энг самарали деб кўрсатиб келаётган таълим тизимининг чириб кетганига расмий бир исбот ҳисобланади.

Яъни у бу фармонлари билан шу пайтгача кўкка кўтариб келаётган тизимини бир тийинга

қимматлигини тан олди, университетларни қайта ташкил қилмаса, аҳвол бундан баттар бўлишини тан олди. Чунки Каримов “ёзган” Кадрлар тайёрлаш миллий дастури қабул бўлганига 10 йил бўляпти, аммо у бутун мамлакатга татбиқ қилинди. Самараси – мана. Дастурдаги ишлар ё амалга оширилмаган ёки дастурнинг ўзи сариқ чақага арзимайди. Йўқса, бунақа қарору фармонларга на ҳожат!

Иккинчи очкич

Кейинги пайтларда Ўзбекистон Халқ ҳаракати фаоллик босқичига кирди. Унинг тарғиботи мамлакат ичида ҳам кучайиб боряпти. Устига-устак, “Бу кунлар” романи интернетда нашр қилинди. Ўзбекистон аҳолиси аҳволни билиб турибди, халқнинг барча қатламларида норози кайфият уйғона бошлади. Одамлар бир хилликдан, тақрорлардан, амалга ошмайдиган ваъда ва қарору фармонлардан чарчади. Ҳар кuni шукур, сабр ва тинчлик ҳақида айтилаётган гаплар ҳамманинг меъдасига тегди. Мамлакатда кучли турғунлик, кучли бир тушкунлик

юзага чиқди. Одамлар ҳамма ишни мажбурликдан қилмоқдалар. Бу ҳол Каримов режимини ағдариб ташлайдиган революцияга замин ҳозирламоқда. Гўё халқ норозилиги ўтин каби йиғилмоқда, унга бир учкун етмай турибди. Ҳукумат бор кучини ишга солиб, одамларни тинчлантириш учун дам кўрқитяпти, дам алдаяпти. Шундай алдаш йўлларида бири кутилмаган қарор ва фармонлар чиқаришди. Яъни мазкур фармон ва қарорлар одамларни энди ҳаммаси яхши бўлади, мана, айбимизни тан олиб тузатмоқчимиз-ку деган бир алдашдир.

Учинчи очкич

Таълим тизими ўзини ўзи тиклайдиган организмдир. Уни зўрлаб ривожлантириш имконсиз. Асосийси, илм одамларига эркинлик бериш керак, уларга ўз фикрларини – қайси мавзуда бўлмасин – эркин баён этиш ҳуқуқини бериш шарт. Ва университетларни, коллеж, лицей ва мактабларни ҳам мустақил фаолият юритишларига имкон яратиш

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

лозим. Университетларни ва бошқа таълим муассасаларини мажбуран бир тизимда ушлаб туриш ҳамда уларга бир хил нарсаларни ўқитиш, хур фаолият юритишига тўсқинлик қилиш бор экан, ҳеч қачон таълим ривожланмайди. Аслида, университетларнинг барчаси учун бир хил кириш имтиҳонларини жорий қилиш бугунги кунда энг қолоқ йўлдир. Аллақачон университетлар ўзи мустақил фаолият юритиб, талабаларни қабул қилиш усулларини ўзи ишлаб чиқиб амалга жорий қилиши даркор эди.

Лекин бу каби хурриятни беришга, албатта, Каримов режими қодир эмас. Чунки бу режим телбаларча мамлакатдаги ҳар бир ҳаракатни ўз қўлида ушлаб туришга интилади ва бу аҳмоқлиги билан бутун халқни қолоқликка тикиб бўлди. Шундай экан, Каримовнинг бу фармонлари ва қарорлари аслида ғирт мантқиқсиз ва ўта қолоқ бир ёндашув бўлиб, умуман фойдасиздир. Чунки таълим тизими эркинликка чиқарилмас экан, бу каби фармонларнинг мингтаси ҳам вазиятни ўзгартира олмайди. Масалан, сиз ривожланган давлатлар таълим тизимига назар солсангиз, уларни мутлақо хур эканлигини кўрасиз.

Тўртинчи очкич

2016 йил 16 май кuni Каримов ташкил қилган Тошкент ўзбек тили ва адабиёти университетига Ўзбекистон Миллий университетининг ректори Шухрат Сирожиддинов ректор сифатида тайинланди. Бир қараганда бу ҳолнинг ажабланарли жойи йўқ, чунки Шухрат Сирожиддинов навоийшунос, адабиётшунос олим. У бу университетни бошқарса, гўё ҳар томонлама тўғри. Бироқ гап бошқа жойда. Каримовнинг ЎзМУни қайта ташкил қилиш Фармони доирасида бу иш учун жуда катта миқдорда маблағ бюджетдан ажратилди ва унинг ижроси Рустам Азимов чекига тушган. Шухрат Сирожиддинов мавке жиҳатдан пиёда мақомида ҳисобланади, аммо шундай бўлса-да, у Каримов билан юзма-юз суҳбатлаша оладиган одамлардан бири. Ва яна бир муҳим томони, бу одам ўз фаолияти давомида пора олмагани тилларда юради. Шу сабабли бу шахс зиёли қатлам ичида ўз ҳурматига эга. Бу ҳурмат унинг



шахсига ва Каримов ҳукуматига ҳам ижобий ҳол ҳисобланади.

Сабаби, Каримов режими тизимида бундай ҳалолодамларнинг ишлаши одамларда ижобий таассурот уйғотиш учун хизмат қилади. Шу туфайли ҳам Шухрат Сирожиддинов ЎзМУда ректор лавозимида бир йилга яқин ишлади. Аммо ЎзМУни қайта ташкил қилишда Давлат бюджетидан ажратиладиган маблағларни бу одамнинг кўз ўнгида ҳазм қилиб юбориш бироз ноқулайликларга сабаб бўлади. Биринчидан, Рустам Азимов ЎзМУ учун ажратилган бир неча миллиард пулни ўзи ва ҳамтовоклари бўлишиб олишлари зарур. Бу давлат мулкани ошқора ўмариш. Шухрат Сирожиддинов бу ҳолни кўриб турса, у одам индамай туришига қафолат йўқ. Иккинчидан, у индамай туриши учун мазкур охурдан унга ҳам насиба бериш лозим. Нонни яримта қилиш кимга ёқади? Қолаверса, Шухрат Сирожиддиновнинг бу криминал ишга аралашishi ҳукуматга ҳам, олимнинг ҳам шаънига яхши бўлмайди. Халқ ҳукумат шундай тоза одамни ҳам айнитди деб гапириш мумкин. Мана шу факторлар сабабли Шухрат Сирожиддиновни яқинда очилган уч факультетдан иборат кичик университетга ректор қилиб ўтказишди. Бироқ масаланинг учи аслида 2014 йил 14 – 15 май кунлари Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган халқаро конференцияга бориб тақалади. Гап шундаки, ўша конференцияда Каримов ЎзМУ ҳамда Фанлар академиясини дунёнинг машҳур университетлари – Оксфорд ва Кембридж билан боғлаш ҳақида гапирган. Бу оддий гап эмас эди. Бу гап бир зумда мамлакатда шов-шув бўлиб кетди.

Аммо ҳадеганда бу масала қайта кўрилмади. Бу эса Каримов бир айтди-кўйди-да деган бир тушунчанинг келиб чиқишга сабаб бўлди. Қолаверса, муҳолифатнинг хуружи ва халқ норозлиги ошиб бораётган эди. Натижада, бу масала яқинда яна кўтарилди. Бунинг учун, аввало, ЎзМУни ҳам Фанлар

академиясини ҳам қайтадан куриш зарур эди. Совет даврида эски услубда курилган ва пастқам, хунук бинолар билан Европани бу ерларга таклиф қилиб бўлмайди-ку. Шундан сўнг Каримов бу борада дастур тузиш ишини топшириқ қилди. Ҳарқалай, таълимга қайсидир маънода шундай эътибор бериш ёхуд эътибор бераётгандек қилиб ўзини кўрсатишнинг натижаси унинг учун ижобий бўлиши керак. Дастурлар тузилди, давлат бюджетининг катта қисми шу иш учун йўналтириладиган бўлди. Ана шу жараёнда Шухрат Сирожиддинов ЎзМУга ректор бўлиб келди. У аслида университетнинг қайта ташкил бўлиши учун ҳам бош бўлиши лозим эди. Ва Каримов атрофидагилар Шухрат Сирожиддиновни кетказиш учун ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил қилишга эришдилар. Ўз-ўзидан ректор бу ёққа кетиши гўё мантқиқийлик касб этди. Ана энди университетни ҳам, унга ажратиладиган пулни ҳам бемалол ғорат қилса бўлади.

Яна бир факт шуки, ўзбек тили ва адабиёти университети аслида жуда катта имкониятлар эшиги демакдир. Буни тан олиш лозим. Лекин унда атиги 3 та факультетнинг мавжудлиги масалани хиралаштиряпти. Сабаби, бутун дунёда тил ва адабиёт турли аспектида ўрганиляпти, университет мақомига эга бир даргоҳда, албатта, камида бешта факультет бўлса ва улар мазмун жиҳатдан энг сўнгги илмий талабаларни ўзида акс эттирса, мақсаднинг самимийлигига ишонса бўларди. Лекин ўзбек филологияси, ўзбек тили ва адабиёти таълими ҳамда ўзбек-инглиз таржима каби оддийгина номлар билан очилган факультетлар кишини қойил ҳам қолдирмайди, янги бир руҳни ҳам туғдирмайди. Қолаверса, бутун Республикада нуфузли бўлган тўртта ташкилот – Тил ва адабиёт институти, Тил ва адабиёт музейи, икки университетнинг факультети бирлашган экан шунга яраша салобат ҳам бўлиши керак-да! Аммо қаққайган учтагина факультет Каримовнинг бу фармони замирида ётган бир куруқликни кўрсатмоқда.

Шу ҳолатнинг ўзиёқ, бу масала зўрма-зўраки бир шаклда ўртага қўйилганига далолат қилади. Яна бир жиҳати, янги университет учун бино ҳали ҳам мавжуд эмас.

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

Эҳтимол, бу ҳам вазиятни янада яққол англаш учун хизмат қилар...

Сўнгги бир шармандали гапни ҳам айтиш керак. Икки университетларни қайта ташкил қилиш ва янги университет очиш учун ажратиладиган пулларнинг ҳаммаси фақат Рустам Азимов, Шавкат Мирзиёевнинг чўнтагига тушади деб ўйлаш хато, чунки бу пуллар – давлат буюджетдаги

миллиардлаб маблағлар мазкур икки шахс орқали бевосита Каримовнинг кармониغا қараб йўл олади. Сизга айтмоқчи бўлган бешинчи очкичимиз шу эди. Яъни лўнда қилиб айтганда, бу фармон ва қарорлар замирида Каримовнинг шахсий бойлигини ошириш мақсади бор. Аслида, муҳтарам юртбоши бу каби ўнлаб қарор ва фармонлар билан вазирлари воситасида ўзининг хорижий банклардаги ҳисоб рақамларига

бир қанча миллиардларни ўтказган. Тўғри, ҳали қўлимизда бу нарсаларни исботлайдиган фактлар етарли эмас, аммо тўплаймиз. Биз уни тўплаб эълон қилганимизда “муҳтарам” президентнинг асл башарасини, пасткашлигини кўришга муваффақ бўласиз. Қолаверса, Каримов шунча пулни қаерга, кимга етказиб бераётгани ҳам жуда жиддий ва кизиқарли мавзу бўла олади...

Абдуллох Нусрат



бўларкан. Аввалига суҳбатдан ўтишимни талаб қилишди. Қизиғи, суҳбатга турмуш ўртоғим билан киришим шарт экан. Тошкентдан умр йўлдошимни чақиришимга тўғри келди. Улар етиб келгач, ниҳоят суҳбатга ҳам кирдик. “Қайси мамлакатга б о р м о қ ч и с а н ?”, “ Н и м а г а б о р м о қ ч и с а н ?”, “Қачон б о р м о қ ч и с а н ?”, “Номоз ўқийсанми?”, “ И ч а с а н м и ? ”, “ Ч е к а с а н м и ? ”, “Бирорта таъқиқланган ташкилотга аъзосанми, йўқми?”... деган каби адоғсиз саволлар беришди.

С у х б а т д а н
“ м у в а ф ф а қ и я т л и ”

ҳужжатлар орасида паспортим йўқлигини, ҳали чиқмаганлигини айтишди. 30 апрел шанба бўлганлиги сабабли ҳам бунингдек қонунсизликнинг сабабини сўраш мақсадида бошлиққа кира олмадим. 2 май, душанба кунигина Самарқанд вилоят ОВИР бошлиғининг қабулига кирдим. Олим ака деган одам бошлиқ экан. Мени хушмуомалалик билан қарши олди.

— Оғир оёқ ҳолингизда ходимларимиз сизни қийнаб қўйишибди-ку. Бунинг учун сиздан узр сўраймиз. Ҳозир хатоимизни тўғрилаймиз, — деди-да тугмачани босиб, котибаси орқали масъул ходимларидан бирини чақирди.

Эшикдан кирган ходими:

— Алимбекова Зарнигор Авазовнанинг ҳужжатларида ҳеч қандай камчилик йўқ. “ЧП”си ҳам йўқ. Ҳаммаси жойида. Лекин ҳалигача паспортига хорижга чиқиш учун рухсатнома ёзуви стикери урилмаган, — дея ахборот берди.

— Нега урилмайди? — ажабланди вилоят ОВИР бошлиғи ва ўрнидан қўзғалиб, хонасидан чиқди. Ва бироз фурстандан кейин мутлақо бошқа одам бўлиб қайтиб келди. Энди Самарқанд вилоят ХЧК ва ФРБ бошлиғининг аввалги хушмуомалалигидан асар ҳам қолмаган эди.

— Ўзбекистонда нима қиласиз? — кутилмаганда совуқ оҳангда ғайритабиий савол берди Олим ака.

— Ўзбекистонда нима қиласан деганингиз нимаси? Мен чет эл фуқароси эмасман. Мен Ўзбекистон фуқаросиман. Ўзбекистонда нима қилардим, яшайман Ўзбекистонда, — дедим дона-дона қилиб.

— Илгари нима ишлар билан шуғуллангандингиз?

— Боғчага борганман, мактабда, кейин лицейда ўқиганман. Ҳозир эса

Мен Ўзбекистоннинг асириманми?

Негадир менга чет элга чиқиш визаси (ОВИР) бериш таъқиқлаб қўйилган.

2014 йилда ОВИР олиш мақсадида доимий рўйхатдан ўтган манзилим бўйича — Самарқанд вилоят ХЧК ва ФРБга мурожаат этгандим.

Ҳеч бир асосиз равишда рад жавобини олгандим.

2016 йилга келиб бу ҳол яна такрорланмоқда.

Хорижга чиқиш визасини олиш учун 2016 йилнинг 14 март куни Самарқанд вилоят ХЧК ва ФРБга ҳужжат топширишга боргандим. Ҳужжатларимни қабул қилишмади. Ҳужжат топшириш осон бўлган эмас. ОВИРга ҳужжат топшириш учун 35 ёшгача бўлган ёшлар албатта суҳбатдан ўтишлари лозим

ўтганимиздан кейингина 2016 йилнинг 15 март куни давлат божи (Қўлимда ОВИР олиш учун тўлов квитанциясининг нусхаси мавжуд) тўлаш учун қўлимга ҳисоб рақамларини ёзиб беришди. Банкга бож тўлаган квитанцияни илова қилган ҳолда Самарқанд вилоят ХЧК ва ФРБга ҳужжатларимни топшириб, Тошкентга қайтдим.

25 кундан кейин хабар олишимни айтишди.

Тошкентдан Самарқандга қатнаш менинг ҳолатимда осон эмас.

Орадан 25 кун эмас, 45 кун ўтгач, яъни 30 апрел куни паспортимни олиш мақсадида Самарқанд вилоят ХЧК ва ФРБ бордим. У ердаги мутасаддилар ҳали менинг ҳужжатларим кўриб чиқилмаганлигини, тайёр бўлган

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

Тошкентга турмушга чиққанман. Хеч қаерда ишламайман...

— Турмуш ўртоғингиз номоз ўқийдими?

— Йўқ.

— Ичадими?

— Йўқ.

— Чекадими?

— Йўқ?

— Бирорта бир ноқонуний ташкилотларга аъзо бўлганмисиз?

— Йўқ....

“Началник”нинг таҳқирли овозида кибр ва менсимаслик оҳанглари қоришиқ эди. Бундай муомала, албатта, менга қаттиқ тегди.

... Адоғсиз савол-жавоблардан сўнг вилоят ОВИР бошлиғи менга:

— Яна икки ҳафтадан кейин хабар олинг, мабодо паспортингиз керак бўлаётган бўлса уни ҳозирок олиб кетаверишингиз мумкин, ОВИРга бошқа сафар топширасиз, — деди.

— Мен ҳорижга чиқишга рухсатнома олиш учун давлат божи тўлаганман. Яна қайта ҳужжатбозлик қилишимни, яна такрор давлат божи тўлашимни истайсизми? Нега энди шунчаки олиб кетарканман? Йўқ. Токи кўриб чиқилмас экан, олиб кетаолмайман. Аммо мен яна 10 кундан кейин шу ҳолимда узоқ йўлга кела олмайман. Дадамга ишонч қоғози бермоқчи эдим. Нотариуслар паспорт нухаси билан ишонч қоғози беришмас экан. Икки ҳафтадан сўнг паспортимни дадам олиб кетишларига рухсат олиш учун нима қилишим керак, тилхат ёзиб бериб кетсам бўладими?, — деб сўрадим “началник”дан.

— Йўқ, шусиз ҳам хомиладорлигингиз маълум. Тушунамиз. Ўзингизнинг келишингиз шарт эмас. Сизга ишонамиз. Икки ҳафтадан сўнг паспортингизни дадангиз олиб кетиши мумкин, — деди бошлик.

Тошкентга қайтгач, Самарқанд вилоят ХЧК ва ФРБ бошлиғининг кўпол таҳқирли овози таъсирда, ҳам узоқ йўл азобида тобим қочиб, шифохонага тушиб қолдим. Бир неча кун даъволанишимга тўғри келди.

ОВИР бошлиғи айтган муддат ўтишини кутдим. Айтилган муддат ўтгач, 14 май кuni дадам Самарқанд вилоят ОВИРга бориб, паспортимни сўрасалар, яна “Ҳали тайёр эмас” деган жавобни беришибди.

Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет элга чиқиши ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кириши ТАРТИБИ” тўғрисидаги қарорида шундай дея белгилаб қўйилган:

“2. Кириш-чиқиш ва фуқароликни расмийлаштириш бўлинмалари фуқаронинг мурожаатини 15 иш кuni мобайнида кўриб чиқади ва чет элга чиқиш ҳуқуқига чекловлар учун асос бўлмаган тақдирда унинг паспортига стикер ёпиштиради.

Зарур тарзда расмийлаштирилган ҳужжатлар кириш-чиқиш ва фуқароликни расмийлаштириш бўлинмаларига берилган кун мурожаат қилинган сана деб ҳисобланади.”

Менинг Самарқанд вилоят ОВИРга ҳужжат топширганимга 15 кун эмас, кuni кеча икки ой тўлди, роппа-роса 60 кун бўлди.

Нима учун Самарқанд вилоят ХЧК ва ФРБ ходимлари Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет элга чиқиши ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кириши ТАРТИБИ” тўғрисидаги қарори талабларини кўпол варишда бузмоқда.

2015 йилда Самарқанд вилоят ХЧК ва ФРБ мутасаддилари мамлакат Конституцияси ва қонун талабларига зид равишда менинг чет элга чиқиш ҳуқуқимни чеклаб қўйишган эди.

Ваҳоланки, Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет элга чиқиши ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кириши ТАРТИБИ” тўғрисидаги қарорнинг “III. Чет элга бориш ҳуқуқидаги чеклашлар” деб номланувчи бобида чет элга бориш ҳуқуқини чеклашга асос бўладиган ҳолатларни аниқ-тиниқ кўрсатиб ўтилган. Мен ушбу бандларни бирма-бир санаб ўтмоқчи эмасман. Бирок, қонуну қарорлардан шу нарсани аниқ биланманки, менинг чет элга бориш ҳуқуқимни челашига ҳеч қандай бир асос йўқ, бўлмаган ҳам. Шундай бўлса-да, 2014 йилда менинг чет элга чиқиш ҳуқуқим паймол этилган эди.

Тўғри, Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет элга чиқиши ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кириши ТАРТИБИ” тўғрисидаги қарорининг “IV”- бобида “Чет элга бориш ҳуқуқи рад этилганлиги устидан шикоят қилиш тартиби”

белгилаб қўйилган бўлса-да, менинг чет элга бориш ҳуқуқим асоссиз тарзда топталганлиги хусусида 2014 йилда юқори идораларга ва ёки судга мурожаат қилишдан тийилган эдим.

Аммо, бу гал Самарқанд вилоят ХЧК ва ФРБ нинг масъулларини аяб ўтирмоқчи эмасман. Улар ўзларининг ғайриқонуний ҳаракатлари учун қонун олдида жавоб беришлари шарт. Негаки, мен Ўзбекистоннинг асираси эмасман. Менинг Конституция билан қўриқланадиган ҳуқуқларимни оёқ ости қилишга ҳеч кимнинг, Самарқанд вилоят ХЧК ва ФРБ бошлиғи-ю ММХ ходимларининг ҳам ҳаққи йўқ. Ўзбекистон деб аталган мамлакатда амалдорлар эмас, Конституция ва қонун талаблари устивор бўлса, менинг ҳуқуқларимга чеклов қўйишга ҳеч бир валломатнинг ҳадди сифмаслиги лозим. Шу боис ҳам, Вазирлармаҳкамасининг қарорида “IV. Чет элга бориш ҳуқуқи рад этилганлиги устидан шикоят қилиш тартиби: Ушбу Тартибнинг III бўлимида назарда тутилган асослар бўйича чет элга боришга рухсат беришнинг рад этилиши, жавоб беришнинг белгиланган муддатдан ортиқча кечиктирилиши устидан фуқаро юқори органга шикоят қилиши мумкин, бу орган бир ойдан кўп бўлмаган муддатда жавоб бериши керак, фуқаро унинг қароридан норози бўлганда судга шикоят қилиши мумкин” дея ўқтирилганидек, мен Самарқанд вилоят ХЧК ва ФРБ бошлиғининг устидан юқори ташкилотларга, судга мурожаат қилишга мажбурман.

Нега?! Нега менинг ҳорижга чиқиш ҳуқуқим чеклаб қўйилмоқда? ХЧК ва ФРБсига тақдим этган ҳужжатларимни кўриб чиқиш ва менга чиқиш визаси бериш нима учун 60 кундирки пайсалга солинмоқда?

Бунингдек бедодликнинг бирдан-бир сабаби мустақил журналист ва ҳуқуқбон Малоҳат Эшонқулованинг қизи эканлигим эмасми мабодо?

Эшонқулова онам бўлганлиги сабабли ҳам мени саргардон қилишмоқдами, менинг қонун билан қўриқланадиган ҳуқуқларимни топташ орқали онамдан қасд олишмоқдами?

Бунингдек қонунсизликларга ҳуқумтадан изоҳ талаб қиламан!

Зарнигор АЛИМБЕКОВА

«Озодлик» радиосининг хабар беришича, Фарғона вилояти Марғилон шаҳридаги маҳалла фуқаролар йиғинида икки йилдан ортиқроқ ишлаган маҳалла посбони шу кунларда хорижда юриб, 5 йил ичида Ўзбекистонга қайтмаганлар рўйхати Ташқи ишлар вазирлиги Консуллик бўлимига берилаётганини айтган. Бу бўлим эса номлари берилган шахсларни хориждаги консулликлар рўйхатидан кидирмоқда, топилмаганларни фуқароликдан чиқарилиши мумкин бўлганлар рўйхатига киритмоқда.

Икки йил давомида маҳалла участка ноизи ва



Хорижда узоқ вақт юрганлар рўйхати тузилмоқда

МХХдан маҳаллага бириктирилган масъуллар билан уйма-уй юрган собиқ посбон хорижда узоқ вақт юрганлар рўйхати тайёрланиб, Ташқи ишлар вазирлигида йиғилаётганига гувоҳ бўлганини айтади;

— Узи маҳаллаларда алоҳида рўйхатлар тузилаяпти — хорижга кетган ва қайтмаганига 5 йилдан ошганлар рўйхати. Биз буни тўғри Ташқи ишлар вазирлиги Консуллик бўлимига жўнатаяпмиз. Бу бўлим ўша одамлар четда консулликка хабар бергани-йўқми, масалан, фалон жойдаман, ишим тайин, нотўғри ишлар қилмаяпман, деб хабар бергани — шунини суриштираяпти. Ўзбекистонга 5 йил ичида қайтмаган ва консулликка ҳам учрамаганлар рўйхати тузилаяпти. Улар автоматик фуқароликдан маҳрум қилинади ва қайта тикланмайди, деб тушунтиришди бизга, — деди маҳалланинг собиқ посбони.

(Исми ошкор қилинмаётган посбон маҳалла устидан ИИВ ва МХХ идоралари назорати ва юклатилаётган вазифалар кўлами ошиб бораётгани боис, бироз муқаддам ишдан бўшагани ва маҳаллада бўлаётган жараёнлардан юртдошларини огоҳлантириш зарур, деган қарорга келганини айтади.)

Манбанинг айтишича, ўз маҳалласида ҳозирча фуқароликдан бирор киши маҳрум қилинмагани ва қўшни маҳаллаларда ҳам бундай ҳолатга дуч келмаганини қўшимча қилди. Унинг айтишича, ҳозирча фуқароликдан чиқарилиши мумкин бўлган шахсларнинг рўйхатлари ҳозирлаб қўйилмоқда.

Собиқ посбонга кўра, аини пайтда ҳокимиятлар маҳалла кўмиталаридан хорижда узоқ қолиб кетганларни ортга қайтаришни талаб қилмоқда:

— Ҳозир ҳар бир маҳаллада 4 та штатли одам бўлса, ҳамма шу ишга жалб қилинган. Участковой, посбон, раис эрталабдан уйма-уй юради. Ҳар битта уйдан қанча одам четга кетган, қаерга кетган, нима иш қиляпти, қачон келган — мана шунақа нарсаларни аниқлаб, 2 та рўйхат қиляпти. Биттаси кетганлар, биттаси келганлар. Кетганлар рўйхати СНБга, қайтганлар рўйхати мелисага. Кетганига 3 йилдан ошган бўлса, яқинларидан телефонини олиб, чақиришяпти. Кейин шу фуқарога ҳам, ўзларига ҳам муаммо бўлмаслиги учун, — дейди посбон.

У хорижга кетганлар рўйхати билан МХХ қандай ишлашидан тўлиқ хабардор эмаслигини айтди. Манба, қайтганлар билан маҳалла кўмитасига ажратилган биноларда маҳалла фаоллари иштирокида «тушунтириш ишлари» олиб борилаётганини айтади:

— Масалан, келса кимдир, маҳалладан биттаси бориб ёки телефон қилиб, чақиради. Сразу участковой гаплашади — қаерда бўлдингиз, нима қилдингиз, қайси миллатлар билан яшадингиз, намоз-помоз — ҳаммаси сўралади. Кейин ой охирида қайтганларни битта қилиб, СНБдан бириктирилган вакил бирма-бир яна суҳбатлашади. Ҳаммаси жойида бўлса, яна кетаверади чет элга. Бўлмаса, МХХ яна дальше суриштиради, — дейди посбон.

Унинг айтишича, ҳозир хориждан борганларнинг ҳаммасига маҳалла кўмитасига учраш шарт ва мажбурий қилиб қўйилган.

Хориждан борган фуқародан маҳалла кўмитаси тиббий маълумотнома, паспорти нусхаси ва яна бошқа ҳужжатларни сўрайди. Озодлик билан суҳбатлашган собиқ посбон шундай суриштирувлардан сўнг қўшни маҳаллалардан бир неча киши ҳибсга олинганини ҳам

қўшимча қилди.

Унинг айтишича, ҳозир ҳокимиятлар учун энг муҳим идора маҳалла бўлиб қолган:

— Худони берган кунини ҳокимиятга чақиришаверади, ўзлари ҳам келишаверади. Чунки, фуқаролар ҳақидаги ҳамма маълумот шу маҳаллада, маҳаллани компьютерида. 2012 йилдан бери шунини устида ишляпмиз. Ҳар ойда рўйхатлар ҳақида алоҳида ҳисобот берамиз — нечта одам қайтганларга қўшилди, кимлар улар, нечта одам кетганларга қўшилди, кимлар — шунақада, — дейди посбон.

Ўзбекистонда хориждан

борганлар маҳалла кўмитасига суҳбатга чақирилаётгани, айримлар суҳбатга боргач, ҳатто, ўша ердаёқ ҳибсга олинаётгани ҳақида хабарлар келиб турибди.

Хорижга ишлашга кетиб, узоқ муддатга қолиб кетганларни уйига қайтариш ҳаракати ўтган йил охирида бошланган. Хорижга кетганлар ва уларнинг уйда қолган яқинлари қайдга олинди, милиция ва МХХ суҳбатидан ўтказилмоқда.

Ўзбекистон Ички ишлар вазирлиги шу йилнинг феврал ойида чет элда яшаётган 75 минг ўзбекистонлик шахсига оид маълумот тўпланиб, улар махсус қайдга олингани, аини пайтда, чет элдан қайтган 70 минг киши билан «профилактик» суҳбатлар ўтказилганини расман маълум қилганэди.

Собиқ посбон тилга олган рўйхатларни тузиш эса 2012 йилда бошланган. Маҳалла посбони суҳбатдан тушунилишича, ҳозир бу рўйхатдаги фуқаролар билан ишлаш механизми шаклланган ва келгусида хорижга кетиб-қайтмаганларга нисбатан конкрет чора кўришга ҳозирлик бормоқда.

Дарвоқе, Ўзбекистоннинг Германиядаги элчихонаси 2014 йилдаёқ 2 мингга яқин ўзбекистонликнинг исм-фамилиясини эълон қилган ва улардан консуллик рўйхатидан ўтиш, акс ҳолда фуқароликдан маҳрум қилинишидан огоҳлантирган эди.

Аммо, ҳозирча ўзбекистонликларнинг аини сабаб билан фуқароликдан маҳрум қилина бошлаганига оид аниқ маълумотлар йўқ. Ўзбекистондаги ҳуқуқ-тартибот идоралари ва ИИВнинг фуқароликни қайд этиш ҳамда паспорт столлари бу борада ҳозирча аниқ кўрсатма бўлмаганини айтмоқдалар.

УХХ хабарлар бўлими

Ўш шаҳар суди қорасувлик 21 ёшли Абдуллоҳ Нурматовни, экстремистик маълумотларни сақлаганликда айбдор деб топиб, унга бир йиллик шартли қамоқ жазосини тайинлади.

Абдуллоҳни ҳимоя қилаётган “Бир Дунё Қирғизистон” инсон ҳуқуқлари ташкилотининг Ўш бўлими матбуот котибаси Сахира Назарова, ҳукм юзадан тарафлар 10 кун оралиғида юқори судга шикоят аризаси билан мурожаат қилишга ҳақли эканини айтади.

“Бир Дунё Қирғизистон” инсон ҳуқуқлари ташкилотининг Ўш бўлими матбуот котибаси Сахира Назарова.

Шунингдек, мазкур жиноий иш ҳуқуқ тартибот идоралари тарафидан қатор қонунбузарликлар билан олиб борилганини, жумладан “Ҳимоячилар фаолиятига тўсқинлик қилингани” ва гумонланувчи “қийноққа солингани”ни ҳам кўшимча қилади Назарова. Эслатиб ўтамиз, Абдуллоҳ Нурматов ўтган йилнинг

суд қарори билан уй қамоғига чиқарилган.

Ҳимоячиларнинг таъкидлашича, Нурматовни жиноий таъқиб этиш, у ўзини 20 августда милиция ходимлари тарафидан қийноққа солиниши юзасидан судга шикоят аризаси билан мурожаат қилганидан кейин бошланган.

Қийноқлар оқибатида жароҳат олган Абдуллоҳ, ўша куннинг ўзидаёқ, Қорасув ҳудудий шифохонасига ётқизилган. Унга ёпиқ мия тўқималари жароҳати, бош чайқалиши ва травматик жароҳат ташқислари қўйилган. Қийноққа солиш ҳолати суд-психологик ва суд-медицина экспертиза хулосалари билан ҳам тасдиқланган. Суд жараёнларида Абдуллоҳ ўзининг ноқонуний қўлга олиниши, қийноққа солиниши ва ижтимоий тармоқларининг яширин калитларини беришликка мажбур қилиниш ҳолатларини айтган.

“Мени ҳақоратлаб, таҳқирлади ва урдилар. Мен ҳушимни йўқотдим. Эслолмайман, қанча вақт ўтганини. Менга сув сепишди ва яна уришди. Менга бу “ёқди” белгисни қўйдинг дедилар. Аслида мен унга ҳеч қандай белги қўймаганман. Мен бу яширин калитимни беришга ва босим остида қандайдир қоғозларга имзо қўйишга мажбур бўлдим. Шундан сўнгига, дадам ва адвокатим билан кўришишга руҳсат берди ва бизни ярим кечаси уйга қўйиб юбордилар” – дейди экстремистик маълумотларни сақлаганликда айбдор деб топилган Абдуллоҳ Нурматов.

УХХ ахборот бўлими

Қирғизистон: Абдуллоҳ “лайки” учун шартли қамоққа ҳукм этилди

“Мазкур шаҳар суди ҳукмига норози тарафлар, ўзларининг шикоят аризаси билан вилоят судига мурожаат қилишга ҳақлидирлар. Агар ундай қилинмайдиган бўлса, у ҳолда Абдуллоҳ Нурматов ўзи яшаб турган жойдаги жазони ўташ маҳкамаси бўлимида рўйхатга олинади ва у ерда бир йил давомида қайддан ўтиб туриши керак бўлади” – дейди Сахира Назарова.

Унинг сўзларига кўра, қандайдир бир маълумотни экстремистик деб аташ учун суднинг қарори талаб қилинади.

“Адвокатлар, Қирғизистон жиноий кодексининг 13 — “Экстремизмга қарши курашиш” моддасига асосан, маълумотлар фақат суднинг қарори асосидагина экстремистик дея топилиши мумкин эканини, Абдуллоҳ ишида эса, бундай қарор йўқлигини таъкидлади” – дея изоҳлайди

15 сентябрида Қирғизистон Миллий Ҳавфсизлик Давлат Қўмитасининг Ўш бўлими ходимлари тарафидан қўлга олинган. Ундан бир ой аввал ўзининг “Одноклассники” ижтимоий тармоғида, ҳозирда 10 йиллик қамоқ жазосини ўтаётган қорасувлик имом Раҳод Камолов ва диний фаол Дилёр Жумабоевнинг суратларига “ёқди” белгисини қўйгани учун милиция ходимлари тарафидан ушланиб, кейинчалик қўйиб юборилган эди.

Ўтган йилнинг 15 сентябрида ҳавфсизлик идораси ходимлари Абдуллоҳнинг уйида уч соатдан ортиқ тинтув ўтказганлар ва натижада мусика ёзилган флеш картани ашъвий далил сифатида қўлга киритганлар. Шу куннинг ўзидаёқ Абдуллоҳ Миллий Ҳавфсизлик Давлат Қўмитасининг вақтинчалик сақлаш жойида 48 соатга хибс этилиб, кейинчалик

Ўзбекистонда ШҲТ саммити олдида «қора бозор»даги доллар курси сунъий равишда тушириляпти

Ўзбекистон валюта «қора бозор»ида доллар курси кескин тушиб кетди. Бир ҳафта аввал 1 АҚШ доллари 6500 сўмга сотилаётган эди, бугун эса 1 доллар 5400 сўм дея баҳоланмоқда. АҚШ валютаси бир ҳафта ичида 17 фоизга арзонлашган.

“Қора бозор”даги валюта айирбошловчилар фикрига кўра, нархнинг кескин тушиб кетиши ШҲТ саммитига юқори нуфузли меҳмонларнинг келиши билан боғлиқ ва шу сабабдан “норасмий валюта бозорига босим кўрсатилмоқда”.

“Аслида доллар ҳозирда Россияда ҳам арзонлашмоқда, аммо биздагидек кескин эмас, дейди қора бозорда валюта айирбошлаш билан шуғулланувчи суҳбатдош. —Бизда барибир курсга босим ўтказиш учун

бир механизм мавжуд ва натижада биз “белгиланган нуқтадан” силжишга мажбур бўламиз”.

Валюта айирбошловчиларнинг сўзларига кўра, курснинг пасайишига қарамай доллар олиш ёки сотишга ҳамма ҳам шошилмаяпти. “Чунки ҳудди шундай тесқари тарафга нархнинг ошиб кетишидан қўрқишди”, “Ўйин сабабли” доллар нархи бир неча соат ичида кескин кўтарилиб кетиши ҳам мумкин”, дея таъкидлайди улар. Эслатиб ўтамиз, АҚШ доллари нархининг тушиши ўтган, 2015 йилнинг май ойида ҳам кузатилган эди. Ушанда оммавий ахборот воситалари “қора бозор” ҳуқуқни ҳимоя қилиш органлари томонидан кучли назоратга олинди дея хабар тарқатган эди. Валюта

айирбошловчилар эса бозорга чиқмай қўйишган, курс эса тушиб борган эди. Аммо ҳукумат томонидан “қора бозорга” ўтказилаётган босим бироз юмшатиладиган, валюта курси яна ошиб кетган эди. Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистонда чет эл валютасини айирбошлашнинг бир неча курслари мавжуд. Ҳозирда Ўзбекистон марказий банкнинг 1 АҚШ доллари учун белгиланган курси 2909,25 сўмни ташкил қилади. Шунингдек биржа курси ҳам мавжуд бўлиб, унга кўра 1 доллар 7 минг сўм атрофида баҳоланади. Бу курсдан маҳсулот импорти билан шуғулланувчилар фойдаланадилар. Мамлакат аҳолиси ва хусусий тадбиркорлар учун эса “қора бозор” курси кўзда тутилган.

УХХ хабарлар бўлими

Ўзбекистон президентининг жияни Латвия пойтахти Ригада иккита ҳашаматли меҳмонхонанини сотиб олган пайтда бу бизнес қадами 1990 йиллар бошидаги каби мафия гуруҳлари ўртасидаги урушга ўхшаш ҳодисага олиб келишини ўйламаган бўлса керак. Суиқасд, амалдорларни порага сотиб олиш каби ҳодисаларни ўз ичига олган бу ҳодиса бир тарафдан ўзбек ҳокимиятининг энг юқори доираларига дохил шахслар Ўзбекистонда ўмарган пулларни қандай қилиб Европага яшираётганига чизги бўлса, бошқа томондан Европа Иттифоқига янги кўшилган Латвия адлия тизими, хусусан, полиция ва суд органларининг қоронғу томонларини фош этади.

Инга Спринге

Латвиялик бизнесмен Улдис Скудра беш йил аввал бошдан кечирганлари триллер фильм сюжетини эслатади.

Дам олиш кунларининг бирида Скудрага кўшниси кўнғироқ қилиб, унинг уйи ёнидаги майсазорда писиб, яшириниб ётган бир эркакни кўриб қолганини айтади. Ригадан бир соатлик йўл нарироқдаги Лилвардешаҳарчасидаги дала ҳовли жойлашган маҳаллага бегоналар одатда келмаслиги боис, Скудра кўшниси билан нима гаплигини аниқламоқчи бўлади. Скудра бу ҳодисадан бир ярим йилча аввалроқ хужумга учраганидан кейин сотиб олган тўппончасини, ҳар эҳтимолга қарши, олиб олади.

Иккаласи майсазорга яқинлашади ва кўшни яшириниб олган бегона одамдан очикка чиқишини талаб қилади. 35 ёшлардаги боши тақир олинган ва спорт кийимидаги йигит секин ўрнидан туриб, чиқади ва елкасига осиб олган сумкани очишга уринади. Скудра тўппончасини чиқариб, унга ўқталади ва қимирламасдан ерга ётишни талаб қилади.

Полиция келишини кутиб туришган пайтда ҳалиги йигит кимдир унга Скудрани ўлдиришни буюрганини гапириб беради ва уни кўйиб юборишларини ўтиниб сўрай бошлайди. Кўп ўтмай воқеа жойига етиб келган полиция унинг шахсини аниқлайди – Гунатрс Милинш исмли бу йигитнинг сумкасидан тўппонча ҳам чиқади.

Re: Baltica ўрганиб чиққан жиноят ишидаги материаллар Скудранинг ҳикоясини тасдиқлайди. Латвия



ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЖИЯНИ АКБАР АБДУЛЛАЕВ СУИҚАСД БУЮРТМАЧИСИ

суди Милиншни суиқасдга уринишда айбдор деб топиб, 11 йиллик қамоқ жазоси тайинлайди.

Бу воқеадан беш йил ўтиб ҳам Скудрани ўлдиришни ким буюргани номаълум қолмоқда. Полиция буюртмачини топиш бўйича тергов давом этаётганини айтмоқда.

Скудра ўз уйи олдида калтаклангани ва ҳаётига суиқасд уюштирилгани собиқ ҳамкори Акбар Абдуллаев билан муносабатларига боғлиқ эканига шубҳа қилмайди. Ригадаги иккита ҳашаматли меҳмонхонани сотиб олган ва кейинчалик 2012 йилда олдириб қўйган бу тадбиркор Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг жиянидир.

У сотиб олган иккита меҳмонхона учун кураш бир неча мамлакатдаги судлашувлар, жиноят ишлари, ҳибсга олишлар ва судьяларнинг порага сотилиши билан йўғрилган ҳодисаларга айланиб кетади. Бу ҳодисалар Латвия адлия тизими ноқисликларини ҳам фош этади ва Европа Иттифоқига кўшилган давлатнинг хусусий сармоюдорни ҳамоя қила олиш иқтидорига доир шубҳаларни туғдиради.

Вазиятнинг янада чигаллаштирган нарса Абдуллаевнинг ўзи Ўзбекистонда коррупция ва йирик миқдордаги маблағларни ўзлаштирганлик айби билан қамоққа ҳукм этилгани бўлди. Президентнинг жияни ташкил этган схемалар воситасида Ўзбекистоннинг Фарғона водийси вилоятларидаги йирик корхоналарнинг миллионлаб доллар

маблағларини ўзлаштирганликда айбдор, деб топилган.

Латвия полицияси ҳам Абдуллаев устидан пул ювиш айбловлари билан жиноят иши қўзғатган. 2012 йил ноябрда очилган жиноят иши якунига етгани йўқ. Полицияга кўра, Абдуллаев устидан очилган жиноят иши билан боғлиқ халқаро сўровларнинг кўплиги бу ишнинг чўзилиб кетишига сабаб бўлган.

Латвияда бўшатишган қуюшқон

Акбар Абдуллаев 2006 йилда Латвияга холаваччаси ва унинг оиласи билан бирга келган пайтида 23 ёшда бўлган. Унинг холаваччаси Лола Каримова-Тиллаева – Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг кенжа қизи. Ўша пайтларда иккинчи фарзандига ҳомиладор бўлган Лола эри Тимур Тиллаев ва катта қизи билан Болтиқ денгизи соҳилидаги Юрмала курортидаги дангиллама виллалардан бирига жойлашади. Кунда-шундалари асосан собиқ совет республикаларидан келган бойваччалардан иборат Юрмалада Лола кўз-кўз қиларли давлат рақамлари тақилган BMW ва Hummer русумидаги қимматбаҳо автомобилларда юргани билан эса қолган. Лекин президент қизи бу курорт шаҳарчада узоқ ушланиб қолмайди, 2006 йилнинг августда ўғил туғишидан бир неча ой ўтиб Каримова-Тиллаевлар оиласи Латвияни бутунлай тарк этишади.

Лекин Абдуллаевга Латвия ёки қолади ва у орқа- олдида

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

қарамасдан пул сарфлай бошлайди. У ҳам Юрамаладан 1,42 миллион еврога ҳашаматли ҳовли сотиб олади. Ундан кўп ўтмай, Рига марказидаги кўп қаватли уйдан ойналари Даугава дарёси узра Эски Шаҳарга қараб турувчи квартира сотиб олади. Латвия кўчмас мулк реестрига кўра, бу квартира учун президент жияни 300 минг евро тўлаган. Бундан ташқари Абдуллаев 200 минг еврога Bentley русумидаги қимматбаҳо автомобиль сотиб олади. Абдуллаевга тегишли Bentley 2006 йилда Латвияда рўйхатга олинган энг қиммат машина, деб топилади.

Кейинги йилда Абдуллаев отель бизнесига қизиқиб қолади. 2007 йилда у Латвия фуқароси бўлган асли афғонистонлик тадбиркор Фулом Фуломийнинг хотини Валентина билан бирга Рига марказидаги «Royal Square Hotel & Suites» номли меҳмонхонани 10 миллион еврога сотиб олади. Фулом Фуломий Ўзбекистоннинг Латвия орқали пахта экспортига алоқаси бўлган тадбиркор сифатида Лола Каримова-Тиллияева оиласига дўст бўлган. Орадан олти ой ўтиб, улар Риганинг Эски Шаҳар қисмида яна бир меҳмонхонани сотиб олишади. «Garden Palace Hotel» «Re:Baltica» наشري кўздан кечирган шартномага кўра, камида 8 миллион еврога тушади.

Абдуллаев Латвия банк тизимидан фойдаланиш ва у ерда бизнес бошлаш мақсадида кўчмас мулк сотиб олган ягона ўзбекистонлик эмас. 1500дан ошиқ Ўзбекистон фуқароси Европа Иттифоқида доимий яшаш ва Шенген ҳудудида бемалол ҳаракатланиш ҳуқуқини берувчи «Олтин Виза» схемаси имконидан фойдаланган. Латвия ҳукумати таклиф этган бу схема бўйича мамлакат кўчмас мулки ёки банкига муайян миқдорда сармоя ётқизган хорижликка мамлакатда доимий яшаш гувоҳномаси берилади.

«Олтин Виза» схемаси имконидан фойдаланиб қолган собиқ Совет республикалари фуқаролари сони бўйича ўзбекистонликлар учинчи ўринни эгаллайди. Латвияда ўзбекистонликлар бемалол рус тилида гаплаша олиш имконидан ташқари улар билан муносабат қилишга иштиёқманд банкларни ҳам топа олади.

Коррупцияга қарши курашадиган «Transparency International» халқаро



ташкilotи Ўзбекистонни энг коррупциялашган мамлакатлардан бири, деб таснифлаган. Ташкilot хулосаларига кўра, Ўзбекистон сиёсий элитаси давлатга қарашли ширкатлардан катта маблағларни ўзлаштириб, хориждаги банкларга яширади.

Ўзбекистонликлар хориждаги бизнес фаолиятида даромад ва солиқларни яшириш имконини берадиган оффшор ширкатлардан фойдаланишади. Дунёнинг турли оффшор ҳудудларида рўйхатдан ўтказиладиган бундай ширкатлар асл эгалари шахсини яшириш имконини беради.

Акабар Абдуллаев ҳам ана шундай йўл тутди ва унинг учун бу қимматга тушади.

Танишув

Бундан 10 йил аввал Улдис Скудра Швецияга қарашли Swedbank банкининг Латвия шубҳасидаги хорижий мижозлар билан ишлаш бўлими бошлиғи лавозимидан эндигина бўшаган эди. Ўша кунлари эрталаб нонушта қилиб ўтирганда телефон жиринглаб қолади. Кўнғироқ қилган одам собиқ мижозлардан бири, Ўзбекистонда Латвия орқали пахта экспорт қилиш билан шуғулланган Фулом Фуломий бўлади.

«Улдис, меникига жуда ҳурматли бир одам меҳмон бўлиб келган. Уни сен билан таништириб қўймоқчиман», дейди Фуломий.

Рига марказидаги «TGI Friday's» ресторанидаги учрашувда, Фуломий Скудрани «ўзбекистонлик Акбар» ва унинг ўнг кўли Борис Раймихер билан таништиради. Асли молдовалик Раймихер Германияда яшайди. Орадан уч кун ўтиб Скудра, бу сафар Фуломийсиз, Абдуллаев ва Раймихер билан яна учрашади.

Абдуллаев Латвиядан бирор бизнесни сотиб олиш ниятида экани ва бунинг учун маҳаллийлардан ишончли одам кераклигини айтади.

Абдуллаевнинг хатти-ҳаракатидан у Ўзбекистонда жуда катта пул топадиган ўта нуфузли шахс экани кўриниб турарди. Ўзбекистонда турли кланлар борлигини эшитган Скудра, Абдуллаевдан қайси кланга мансублиги ҳақида қизиқлади. Абдуллаев президент Исом Каримовнинг оиласига дахлдор эканини айтади.

Улар яна бир неча марта учрашади. Лекин охир-оқибат Абдуллаевнинг ишлари билан Фуломий шуғулланади. Кейинчалик Скудра Абдуллаев Фуломийнинг хотини Валентина билан Ригада бир нечта меҳмонхоналарни сотиб олганини эшитади.

Хал этувчи кўнғироқ

Орадан уч йил ўтиб, Скудранинг телефони яна жиринглайди.

2009 йилнинг май ойида Абдуллаев Скудрага телефон қилади ва пуллари қарга ғойиб бўлаётганини тушунмаётганини айтади. Скудранинг иддао қилишича, Абдуллаев иккита меҳмонхона учун ўз улушини тўлаб қўйгани, лекин Фуломий бизнесдан тушаётган даромадний кўрсатиш ўрнига ундан яна пул талаб қилаётганидан шикоят қилади.

«Royal Square Hotel & Suites» молиявий ҳисоботларидан меҳмонхона зиёнига ишлаётгани аён бўлади. «Garden Palace Hotel» меҳмонхонаси 2008 йилда сотиб олингани боис унга оид молиявий ҳисобот ҳали тайёр бўлмаган.

Шунингдек, ҳужжатлардан маълум бўлишича, «Garden Palace Hotel» учун улар аллақачон 5 миллион еврони тўлаб қўйишган ва агар навбатдаги 700 минг евролик тўлов вақтида амалга оширилмаса, меҳмонхонани сотаётган томон шартномани бекор қилиб, тўлаб бўлинган 5 миллион еврони ҳам олиб қолиши мумкин эди.

Бундан ташқари, Латвия бизнес реестридаги маълумотлардан Валентина Фуломий «Royal Square Hotel & Suites» меҳмонхонасини сотиб олиш учун «DNB Bank» банкidan 5 миллион евро миқдорида кредит сўраган пайтда ширкат ва меҳмонхона биносини гаровга қўйгани аниқланади.

Скудранинг айтишича, Абдуллаев кредит эвазига меҳмонхонани гаровга қўйилганидан хабари бўлмаганини билдирган. Абдуллаев тўлаб бўлинган пулни йўқотмаслик учун Фуломийдан меҳмонхонадаги

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

улушини сотиб олишга қарор қилади, дея эслайди Скудра.

2009 йилнинг июнида Абдуллаев тўрт юлдузли “Garden Palace Hotel” меҳмонхонасининг якка эгасига айланади. Скудра “Garden Palace” номли ширкатни ташкил этади ва меҳмонхона бошқариш унинг ихтиёрига топширилади. Келишувга кўра, Скудра хизматлари учун меҳмонхонадан тушадиган фойданинг 25 фоизини олади.



“Royal Square Hotel” меҳмонхонаси олди-сотдиси тўғрисидаги якуний шартнома имзоланишига бир ой қолганида икки номаълум шахс Скудрани уйи олдида калтаклаб кетади. Гаражнинг автоматик эшиклари очилмайди, Скудра нима бўлганини текшириш учун машинадан тушган пайтда унга хужум қилишади. Полиция хужум қилганларни топа олмайди. Бу воқеанинг эртасига Абдуллаевнинг маслаҳатига кўра, Скудра тан соқчи ёллайди.

2010 йилнинг февралда Абдуллаев “Royal Square Hotel” меҳмонхонасини ҳам тўлалигича сотиб олади. “Шартнома имзоланадиган куни Борис (Абдуллаевнинг ҳамкори) ва мен меҳмонхона лоббисидан турган эдик. “Биз нималарнидир гаплашиб, кулишиб турган эдик. Акбар билан гаплашиб турган Ғуломий, менга бурилиб, ўкрайда “бу масхарабозни ўлдираман”, дея таҳдид қилди”, дея эслайди Скудра. Орадан бир ярим йил ўтиб унга қилинган суиқасд тергови пайтида Скудра бу воқеа ҳақида полицияга гапириб беради.

Ғуломийнинг ўзи «Re:Baltica» билан суҳбатда бундай воқеа бўлмаганини таъкидлади. У Скудрага таҳдид қилганини рад этиб, унга қилинган хужумга ҳам алоқаси йўқлигини айтади. Унинг иддаоларига кўра, Абдуллаев меҳмонхоналарни сотиб олишга ҳеч қачон сармоя қилмаган

ҳам, кейинчалик Ғуломийнинг хотинидан улушларини сотиб олмаган ҳам. Ғуломийнинг яна иддао қилишича, у гўёки Абдуллаев Ўзбекистондаги танишларига Европада бизнеси борлиги тўғрисида мақтана олиши учун, бағрикенглик қилиб, Абдуллаевни мулк эгаларидан бири сифатида расмийлаштирган.

Ғуломий иддаосига кўра, у Лола Каримова-Тилляеванинг илтимоси билан Абдуллаевга бизнес бошлашида ёрдам берган ва ҳатто молиявий жиҳатдан унга ҳомийлик қилган. Лола Каримова-Тилляеванинг адвокати ўз мижози Ғуломийдан ҳеч қачон холавачаси Акбарга ёрдам беришни сўрамаганини билдирди. Ғуломийнинг адвокати Эгонс Русанов эса, Абдуллаев кўнгилхушлик, кийим кечак ва машиналар сотиб олиш учун Ғуломийнинг 12 миллион долларини кўкка совурган, дея иддао қилмоқда. Ғуломий прокуратурага берган ёзма кўрсатмасида Абдуллаев пулларни оффшор фирмалар орқали, баъзан эса нақд кўринишда берганини таъкидлайди. “Бизнинг маданиятимиз ва анъаналаримиз ҳамда тадбиркорлар ўртасида лафз ёзма хужжатдан кўра, кучлироқ бўлгани учун унга ишонганман”, дейди Ғуломий.

Лола Каримова-Тилляеванинг адвокати Озодликнинг изох бериш сўровига жавобан, ўз мижози “Латвияда қарийб ўн йилдан бери бўлмаган ва мазкур мақола мавзуси бўлган бизнес тортишувга ҳеч қандай алоқаси йўқ. Аслини олганда, унинг Латвияда ҳеч қандай бизнес манфаатлари йўқ”, дея ёзма изох берди.

Меҳмонхоналарнинг ўмарилиши

2012 йилнинг кузида Скудранинг телефони яна жиринглайди. У аллақачон Россия пойтахти Москвадаги банклардан бирида ишлаётган эди. Кўнғироқ қилган одам Латвиядаги кўчмас мулк олди-сотдиси билан шуғулланадиган йирик ширкат эгаларидан бири эди. У Скудрадан ўзбекистонлик дўстлари меҳмонхоналарнинг иккинчисини сотиш ниятлари билан қизиқади.

Даллол ширкат эгаси “Royal Square Hotel” аллақачон сотилганини эшитгани, лекин “Garden Palace Hotel” меҳмонхонасига қизиқиш билдираётган харидор борлигини айтади.



Бу вақтга келиб, Скудра меҳмонхона бизнесидан кетган эди. 2010 йилда Абдуллаевнинг синфдоши, профессионал курашчи Элёр Юнусов “Royal Square Hotel” меҳмонхонасини Шотландияда рўйхатга олинган “Brook Organization” номли ширкат орқали сотиб олади. Кейинчалик Юнусов Скудранинг меҳмонхона бошқариш билан шуғулланган “Garden Palace” фирмасини ҳам сотиб олади.

Скудра даллол ширкат вакилига ўзбекистонликлар билан боғланиб, “Garden Palace Hotel” меҳмонхонасини сотишни истайдиларми, йўқми билиб беришни ваъда беради. Абдуллаевнинг телефон рақами ўзгариб кетгани учун, Скудра унинг ҳамкори Раймихерга имейл орқали хат ёзади.

Орадан бир неча кун ўтиб Раймихердан жавоб келади: “Меҳмонхонани сотишибди, нима деганинг?” («Re:Baltica» бу ҳикояни тасдиқлаш учун Раймихер билан боғлана олмади.)

Бу олди-бердиларга доир хужжатлардан жуда қизиқ манзара келиб чиқади.

Латвия прокуратурасига кўра:

•2012 йилнинг сентябрида, Ғуломий оффшор ширкатларни рўйхатдан ўтказиш билан шуғулланадиган Латвиядаги таниши Улдис Фелдманисга мурожаат қилади. Ғуломий Фелдманисни “Brook Organization” ўзига қарашли эканига ишонтиради ва ширкатнинг Латвиядаги вакилини алмаштириш ниятида эканини айтади.

“Brook Organization” аслида Юнусовга тегишли бўлган ва у ширкатнинг вакили сифатида “Royal Square Hotel” меҳмонхонасини сотиб олган.

Фелдманис Ғуломийга ширкат вакилини алмаштириш учун қилинадиган ишлар, жумладан, Шотландиядаги агентга бу ҳақда юборилиши керак бўлган

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

ҳужжатларни тайёрлаш кераклиги айтади.

Ғулумий Фелдманис орқали Шотландияга сканердан ўтказилган ҳужжатларни юборади. Бу ҳужжатларда “Brook Organization” тузилмасида ўзгаришлар рўй бергани кўрсатилади. Натижада Ғулумий “Brook Organization” фирмасининг Латвиядаги янги вакили, пировардида “Royal Square Hotel” меҳмонхонасининг эгасига айланади.

Ғулумий “Brook Organization”нинг янги вакили сифатида илк қарор ўларок, “Royal Square Hotel” бошқарув кенгаши вакиллари алмаштиради. Ундан кейин меҳмонхона Белизда рўйхатга олинган бошқа бир фирмага сотилади. Эгалари аноним бўлган бу фирманинг Латвиядаги вакили Ғулумий бўлади.

Натижада прокуратура терговчилари Ғулумий “йирик фирибгарлик” ва ҳужжатларни қалбақлаштиришда гумон қилмоқда. Прокуратурага кўра, бу борадаги тергов давом этмоқда.

Бу йўл билан Ғулумий “Garden Palace Hotel” меҳмонхонасини ҳам ўз назоратига олади, чунки “Brook Organization” Скудранинг собиқ фирмаси бўлган “Garden Palace”ни назорат қилган. “Garden Palace Hotel” шартномага кўра, фирма бошқарувида бўлган. Яъни бино Абдуллаевга қарашли бўлишига қарамадан, қонунга биноан меҳмонхона бошқаруви ширкат ихтиёрида бўлган.

Чўзилиб кетган судлашувлар

Латвия, Ўзбекистон ва Шотландияда судлашувлар бошланади. Бу суд тортишувларидаги барча даъвогарлар, жавобгарлар ва ширкатларнинг барчаси икки қарама-қарши томон Ғулумий ва Абдуллаев лагерларига бўлинади.

Томонлар можаро тезроқ ҳал бўлиши учун дастлаб арбитраж судига мурожаат қилишди. Томонлардан бирортаси арбитраж суди қарорини тан олмаса ва уни бажаришдан бош тортса, бу ҳолда иш фуқаровий судга оширилади.

Абдуллаев томони арбитраж судига топширган аризасида “Garden Palace” фирмаси билан меҳмонхона бошқарув шартномаси бекор қилинишини талаб этади. Бу талаб қондирилади.

Бу пайтда Латвияда бўлмаган



Абдуллаев ўз одамларига ишонч қоғози қилиб беради. Лекин 2013 йил январидан унинг одамлари меҳмонхона биносини қайтариб олишга келишган пайтда у ерда уларни Ғулумий Латвия жиноят оламининг таниқли авторитети Иван Харитонов билан бирга кутиб туради. Харитонов 1990 йилларда Латвияда “Харитонов бригадаси” номи билан танилган жинойий гуруҳ тўдабошиси бўлган. У 1998 йилда речетда айбланиб, 8 йилга қамоққа ҳукм этилган.

Ғулумий Абдуллаев номидан берилган ишонч қоғози қалбаки эканини айтиб, меҳмонхона биносини бўшатишдан бош тартади.

Ғулумий «Re:Baltica» наشري билан суҳбатда Харитонов бу учрашувда бўлганини инкор қилди. Лекин собиқ речетчини танишини тан олди. Унинг иддао қилишича, Харитонов меҳмонхона миқозларига ўзи ташкил қиладиган бокс жангларига арзонроқ чипталарни таклиф қилган.

Латвия полицияси ишонч қоғози қалбақлаштирилгани борасидаги иддаоларни тергов қилади. Экспертлар хулосаси ва Латвия ҳуқуқ-тартибот идораларининг расмий сўровига Ўзбекистондан келган жавобга кўра, ишонч қоғози ҳақиқий экани ва Абдуллаев томонидан берилгани тасдиқланади. Орадан бир ярим йил ўтиб ишонч қоғозига доир тергов ёпилади.

Рига Марказий тумани суди судьяси Имантс Дзенис арбитраж суди шартномани бекор қилиш тўғрисида қарор қилиб ваколати доирасида чиққан, деган ваз билан бу қарорни бекор қилади. Абдуллаев бу қарор устидан юқори инстанция судига апелляция аризаси билан мурожаат қилади. Апелляция судьяси Ивета Берзина қуйи инстанция суди қарорини ўз кучида қолдиради.

Бу қарордан бир ярим йил ўтиб, Латвия коррупцияга қарши кураш агентлиги (КНАВ) судья Берзинани коррупцияда гумонлаб ҳибсга олади. 2016 йилнинг январидан

КНАВ бу ишни прокуратурага топширди. Ҳозирда судья Берзина 45000 ердан ошиқ пора олганлик, Ғулумийга эса пора берганликда айбланмоқда.

«Re:Baltica» нашрининг Латвия ҳуқуқ-тартибот идораларидаги манбаси Ғулумий билан Берзина ўртасидаги пора олди-бердидан аввалроқ меҳмонхоналарда бир неча марта учрашганини билдирди. Поранинг бир қисми “Spice” савдо марказининг аёллар ҳожатхонасида, иккинчи қисми эса савдо маркази паркингида берилди. Ҳуқуқ-тартибот идорасидаги манбага кўра, Берзина ўз машинасида бир тутама гул ва ичига 7000 евро яширилган CD дисклари қутилари билан тушиб келади.

Тахмин қилинишича, Ғулумийни судья Берзина билан собиқ прокурор Ирина Богданова таништириб қўйган. (Богданова ҳозирда таъмагирлик айби билан қамоқ жазосини ўтаётгани боис ундан изоҳ олишнинг имкони бўлмади.)

Ғулумий ҳеч қачон ҳеч кимга пора бермагани айтади. Лекин судья Берзинани у Богданова билан бирга ўзига қарашли ресторанлардан бирида тушлик қилиб ўтиришган пайтда учратганини тан олади. У машинадаги воқеани эслаш олмаслиги, чунки Богдановани кўп марта машинасида олиб бориб қўйганини таъкидлайди. Богданованинг ўртоғи исмини эслаш олмаслигини ҳам айтади у. Ғулумийнинг сўзларига кўра, Богданова билан уни собиқ речетчи Харитонов таништириб қўйган ва уни “яхши адвокат”, дея тавсия қилган.

“У берган... унинг бошқа иложи ҳам бўлмаган, чунки у ўз бизнеси учун ўзи энг тўғри деб билган усул билан курашган”, дейди Ғулумийнинг адвокати Эгон Русановс. “Тўғри қонун нуқтаи назаридан буни оқлаб бўлмайди, лекин уни бизнесмен сифатида тушуниш мумкин”, дейди у.

2016 йилнинг апрелига қадар фақатгина Шотландияга оид иш ёпилади ҳолос. Абдуллаев томони Ғулумийнинг “Brook Organization” ширкати номидан ҳаракат қилиш ҳуқуқи бекор қилиниши талаби билан Шотландия судига мурожаат қилган. Лекин у Шотландияда суд харажатлари жуда катта бўлишини кутмаган. Скудранинг айтишича, бу харажатлар ярим миллион

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

еврога етган. Абдуллаев томони бу харажатларни тўлай олмагани боис Шотландиядаги адвокатлар ишни тўхтатади.

«Re:Baltica» тасарруфидаги ҳужжатларга кўра, “Brook Organization” фирмасининг эгаси бўлган Юнусов Европа Иттифоқига кириш визасини ололмагани боис судда қатнаша олмади. Абдуллаев томони манфаатларини тамсил этувчи вакил бўлмагани боис суд Гуломийга қарши шикоятларни қондирмайди. Гуломий бу ғалабаси унинг “Brook Organization” ширкатига эгалик ҳуқуқларини тасдиқлашини эълон қилади.

Латвияда тергов давом этмоқда. Абдуллаев томони камида 10 миллион еврога тенг мулкнинг ноқонуний тарзда тортиб олиниши юзасидан жиноят иши очишни сўраб, бир нечта ариза топширади. Полиция 2013 йилнинг май ойида орадан олти ой ўтиб, тергов

бошлайди. Терговдаги асосий фигурантларни бу ҳақда хабардор қилиш учун яна уч ой кетади.

Қиёслаш учун, Гуломий томони ишонч қоғозининг қалбаки экани тўғрисида шикоят қилганда, полиция икки ҳафта ичида тергов бошлаган.

Абдуллаев томони 2013 йилда ўз сармоялари химояланишини сўраб, Латвия ҳукуматига мурожаат қилади. Бу аризада “Royal Square Hotel & Suites” яна бошқа кўлларга сотиб юборилмаслиги учун, меҳмонхона активларини музлатиб қўйиш ҳам сўралади. Терговчи Оксана Зуева Скудранинг прокуратурага шикоятдан кейингина “Royal Square Hotel & Suites” активларини музлатиш қарорини қабул қилади.

Шу билан биргаликда Зуева Гуломийнинг ишонч қоғози қалбакилаштирилгани тўғрисидаги иддаоларига асосан “Garden Palace Hotel” активларини ҳам ҳибсга олади. Кейинчалик суд бу қарорни

бекор қилади. Полиция «Re:Baltica» нашрига берган изоҳида терговчи “муайян вазиятдан келиб чиққан ҳолда ўз ишончидан келиб чиқиб ҳаракат қилган”, дейилади.

Меҳмонхонага эгалик қилиш даъволарига оид тергов ҳозирда Латвия Бош прокуратурасига оширилган. Бу ишда биргина Гуломий гумонланувчи сифатида ўтмоқда. У қатта фирибгарлик, “Royal Square Hotel & Suites” меҳмонхонасига эга чиқиш мақсадида қалбаки ҳужжатларни ишлатганликда гумонланмоқда. Гуломий ўзига қўйилаётган айбловларни рад қилмоқда.

Ушбу материал “Re:Baltica” журналистик тергов маркази ва Озодлик журналистлари ҳамкорлигида тайёрланди.

Мухаррирлар Саниа Йемерга (Re:Baltica) ва Жоди МакФилинс (ОССРП)

Манба: «Озодлик» радиоси

«Озодлик» радиосининг хабар беришича, АҚШда дунё клептократияларига бағишланган интернет ресурс ташкил қилинган. Ҳукуматлари коррупция ва ўғриликка муккасидан кетган давлатлар ва шахслар тўғрисидаги маълумотлар жамланган интернет

ўртасида бўлган ва бу бойликни Каримова “Ўзбекистондаги ҳар қандай даромадли бизнесдан улуш ундириш орқали тўплагани иддао қилинади”. Каримова АҚШ дипломатлари тарафидан “мамлакатдаги энг ёмон кўрилган шахс”, дея таърифланган, аксар

айблаши ортидан 2014 йил февралда ғойиб бўлганини эслатади.

Россиянинг энг бадавлат кишиларидан бўлган асли ўзбекистонлик Алишер Усмонов таржимаи ҳолида унинг собиқ Ўзбекистон ССР собиқ

Клептократиялар ресурсида Гулнора Каримова ва Алишер Усмонов ҳақида маълумотлар эълон қилинган

сайт қароргоҳи Вашингтонда жойлашган нуфузли Hudson Institute тадқиқот марказининг Kleptocracy Initiative лойиҳаси доирасида йўлга қўйилди.

Kleptocracyarchive.org манзили бўйича жойлашган маълумотлар базасининг Ўзбекистонга оид қисми ҳозирча икки шахс билан тамсил этилган. Булар президент Каримовнинг тўнғич қизи Гулнора Каримова ҳамда асли ўзбекистонлик миллиардер Алишер Усмоновлардир.

“Гулнора Каримова Ўзбекистон президенти Ислам Каримовнинг кизидир. Transparency International ташкилотининг 2015 рейтингига кўра, Ўзбекистон дунёдаги энг коррупциялашган 10 мамлакатнинг бири бўлган. 2012 йилги маълумотларга кўра, унинг бойлиги 570 миллион доллар билан 665 миллион доллар

ўзбекистонликлар уни “очкўз, ҳокимиятга интилувчи ҳамда мамлакатдаги тадбиркорлар ёки унинг йўлида турган ҳар қандай шахсни йўқ қилиш учун отасининг қудратидан фойдаланадиган шахс”, сифатида билишади”, дейилади Ўзбекистон президентининг кизига берилган таржимаи ҳолда.

Kleptocracyarchive.org сайти Ўзбекистон президенти кизини дунёнинг энг ашаддий ўғриларидан бири мақомига лойиқ топишига Гулнора Каримова учта йирик телеком ширкатидан юзлаб миллион доллар миқдорида пора ундиргани билан изоҳлайди.

Kleptocracy Initiative муаллифлари Каримованинг бугунги аҳволига оид тафсилотлар жуда озлиги, у оила аъзолари билан Twitter орқали жанжаллашиши, хусусан, синглиси Лола ва онаси Татьяна Каримовани жодугарликда

прокурорининг ўғли экани эслатилади.

1980 йилда фирибгарлик ва товламачиликда айбланиб, қамоққа ҳукм этилган Усмоновнинг Россия ва Ўзбекистон криминал гуруҳлари билан алоқаси бўлганига доир иддаолар борлиги ҳам эслатилади. Хусусан, унинг мафия тўдабошиси Ғафур Раҳимов билан алоқалари бўлгани тўғрисидаги иддаолар боис Британиянинг Ўзбекистондаги собиқ элчиси Крэг Маррейнинг уни “олти йил қамоқда ўтириб чиққан бандит”, дея тасвирлашига асос бўлган.

Усмонов бу айбловлар ортидан судлашувларни бошлаган, лекин бу айбловлар ҳамон жамоатчилик муҳокамаси кун тартибида қолмоқда, дейилади таржимаи ҳолда.

ЎХХ хабарлар бўлими



13 МАЙ, КАРИМОВНИНГ ЯНГИ ФАРМОНИ ВА “ТАЪЛИМДАГИ ТАЪМАГИРЛИК” ҲАҚИДА

2005 йилда Андижонда бўлган қирғинга аввалги ҳафта ўн бир йил тўлди. Кунларни байрамга айлантиришга ишқивоз Каримов режими эса бу кунни мутлақо унутган. Бу кун мамлакат фуқаролари қони ариқ каби оққани хотирадан чиққан. Бу гўё ўша кунни қасддан унутишга қилинган ҳаракатдек.

2016 йил 13 май куни Ислон Каримов фармон имзолади. Биз Тошкентда шу йил март ойининг илк ҳафтасида Ўзбек тили ва адабиёти университети очилиши ҳақида хабар берган эдик. Мазкур фармон айна биз хабар берган мазмунга юз фоиз мос бўлиб, у Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат Ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил қилиш ҳақида эди. Биз бу университет ҳақидаги фармон 21 март куни эълон қилиниши тўғрисида айтгандик, лекин Каримов режими қандай қилиб бўлмасин бизнинг информацияларнинг хатолигини билдириш учун қиладиган ишлари санасини ўзгартириб юради. Ва яна бир ҳақиқат шуки, моҳиятан адабиёт вакиллари хурсанд қилиши керак бўлган фармон айнан 13 май куни имзоланди ва бу билан фармоннинг Андижон воқеаси билан ўзаро кўринмас бир боғланишга ишора бўлди гўё. Яъни ушбу фармоннинг айнан ушбу кун чиқиши ортида Андижон воқеасига арзимаган иш деб қараш мужассам. Чунки тарихийлик нуқтаи назаридан Ўзбек тили ва адабиёти университетига 13 май куни Каримов асос солди, мабодо уни тантанাপарастлар ҳар йили

байрам деб нишонласа, гўё бу Андижондаги қирғин мотамига бир зарба бўлиб кўриниши керак. Фармон имзоланган куннинг замирида ушбу ҳақиқат турибди.

Лекин ташқи томондан Ўзбекистон Миллий университетига 12 май куни асос солингани билан бир алоқадорлик бор деб талқин этишлари мумкин. Бирок бу бир никоб бўлади, холос.

Университетнинг мақсадлари фармонда бирма-бир кўрсатилган. Унинг тузилмаси, ректор ва деканларнинг қим бўлиши масаласи эса 14 май куни Ўзбекистон Миллий университетида – ректор Шухрат Сирожиддинов ва бош вазир Шавкат Мирзиёев учрашувида муҳокама қилинган. Айна пайтда бу амалга қимни ўтказилиши сир сақланяпти. Номзодлар ичида қўйи қайтган декан Нурбой Жабборов ҳам бор. Ҳукумат бу декан ҳақидаги танқидий мақола бизнинг сайтда эълон қилингани учун қасдма-қасд унинг мансабини ошириши ҳам мумкин. Шу маънода, Ўзбекистон Халқ ҳаракати сайтида танқид остига олиниш бугун бир “бахт” бўлиб қолди. Чунки Каримов режими ўз рақибининг танқидига жавоб бериш ва қасос олишнинг ана шундай аҳмоқона “амалий” йўлини ўйлаб топган. Бу билан Каримов режими биз Ўзбекистон Халқ ҳаракатини писанд қилмаймиз демоқчи. Аслида эса, у айнан бу ҳаракати билан парадоксал шаклда Халқ ҳаракатининг измидан юряпти. Тасаввур қилинг-а, биз Каримов режимидаги бир қотил ёки ўғрини танқид қилдик, сал ўтмай у раҳбар бўлиб кетади!.. Шу

тариқа бу режим ўғри ва баттоллар ҳисобига ўз илдизиги болта уришда давом этади.

Бугун масалага боғлиқ шаклда Тошкент давлат техника университетидаги Кончилик иши кафедраси мудири Саиджаббор Саидқосимов ҳақида гапирмоқчимиз. Бу танқидимиз уни хафа қилмасин, чунки бу мақоладан сўнг унинг амал курсиси янада баландласа, ажаб эмас!

Бу одам ўз кафедрасидан диплом иши олган талабаларга 300 доллар эвазига диплом ишини ҳам, бошқа муаммоларни ҳам ҳал қилиб берар экан. Шунга яраша бугун унинг

талабалари диплом иши ёзиш учун билим эмас, балки ёздириш учун пул тўплайпти.

Ўзбекистондаги барча олийгоҳларда аҳвол шу. 95 фоиз кафедра мудирлари ва ўқитувчи профессорлар шу орқали тирикчилик қилади – улар талабаларга, магистрлар илмий иш мавзусини берадилар ва эски мавзулар асосида ўзлари ёзишади ҳам уни сотишади. Бакалавр диплом ишларининг нархи 300 доллардан 400гача, магистрлик ишлари эса 500 дан 600 долларгача бўлган оралиқда. Бу иш билан – диплом иши ёзиш билан ўқимишли ҳар қандай одам шуғулланиши мумкин. Эпласа, мана, битирув сезони – ҳамма ёқда диплом ҳимоялари – бемалол, 3 ёки 4 минг доллар ишлаб олса бўлади. Мехрибон ҳукумат шу йўл билан ўқимишли одамлар тирикчилик қилишларига яхши шароит яратиб берган, “барака топсин”!

Бу ўйинларни битта Саиджаббор Саидқосимов эмас, мамлакатда барча коллежлар директорлари ҳам амалга оширишади. Коллеж талабалари ҳам диплом ҳимоя қилишади ва бу муаммо системалашган шаклда директорлар назоратида ҳал этилади. Яъни бу жараён барча ўқитувчи ва муаллимларнинг тирикчилик манбаига айланди. Шунинг учун Саиджаббор акани қаттиқ сўкмаса ҳам бўлади. Унга ўхшаганлар мамлакатда тикилиб ётибди. Ундан баттарлари ҳам. Ҳарқалай, у диплом ишимни ўзим

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

ёзаман деган мардларга рухсат беряпти.

Дарвоқе, гап фақат диплом иши билан тугамайди, Ўзбекистонда докторлик ишларини ёзиб бериш ҳам мумкин.

Бунинг учун сиз 5000 доллардан то 7000 долларгача пул ишлаб топасиз. Масалан, филология фанлари доктори Ҳамидулла Болтабоев термизлик ҳамкасбига 7000 долларлик докторлик ишини ёзиб берди, ҳақини олди.

Бундан ташқари, сиз докторлик ёзиш учун айнан бирор соҳага тааллуқли бўлишингиз шарт эмас. Экономист бўлсангиз,

эпласангиз, кончиларга докторлик иши ёзиб бера оласиз. Уни олий аттестация комиссиясидан ўтказиш учун “доктор”нинг бошқа харажатларини қилади.

Бу жараён мамлакатда ҳамма зиёлиларга маълум. Расмийлар бу ҳолга “таълимдаги таъмагирлик” деб ном беришган. Чунки порахўрлик деган сўз заҳарли. Сабаби, Каримовнинг таъбирича, мамлакатда порахўрлик йўқ, шунчаки майда-чуйда таъмагирлик учраб туради.

Энди бу одам янги университет очиб, ўзи учун ўта хавфли бўлган ўзбек тили ва адабиётини ўз жоловига, қўлига, кузатувига олди. Шу кеча-кундузда бу университетда

ким ишлашини ҳал қилишмоқда. Энди бу университет худди Тошкент юридик университети ва Тошкент ислом университетлари каби кучли назорат остида Каримовнинг режими учун мафкуравий хизматларни адо қилади. Фармонда акс эттирилган барча бандларнинг моҳиятида шу турибди.

Бу университетда порахўрлик бўлмаслиги мумкин. Чунки ўзбек адабиётшунос ва тилшунослари қанчалик кўрқоқ бўлишмасин, пора олишмайди.

Таъма қилишмайди. Бу, эҳтимол, уларнинг адабиётга яқинлиги сабабидандир. Аммо бу улар пора беришмайди дегани ҳам эмас...

Абдуллоҳ Нусрат

Яшаш яхши ва ёмон шаҳарларнинг рўйхатини Мерсег ширкати тузган, бу ширкат яшаш сифати индексини ҳар йили тузади.

Бу йил ҳам ширкат дунёнинг 450 шаҳри аҳволига назар ташлаган ва яшаш учун яхши ва ёмон шаҳар деган таъриф беришда қуйидагилар мезонларга таянган:

Сиёсий ва ижтимоий муҳит. Бунда сиёсий барқарорлик, жиноятчилик аҳволи ва қонунлар нақадар ишлаши эътиборга олиниши айтилган.

Кейинги мезон иқтисодий муҳит. Бунда валюта айирбошлаш билан боғлиқ тартиб-қоидалар ва банк хизматлари нақадар тараққий этгани ҳисобга олинган.

Ижтимоий-маданий муҳит: матбуот нақадар имконли экани ва цензура, шахсий эркинлик чеклангани.

Тиббиёт нақадар ривожлангани, инфекция тарқалгани миқёси, сув-оқова тизими қанчалар яхши ишлаши, чиқиндиларни тозалаш тизими йўлга қўйилгани ва ҳаво ифлослангани.

Мактаблар ва таълими тизими ривожлангани.

Жамоат транспорти, электр ва таъминоти қанчалар яхшилиги, йўлларда автомобил “пробка”лари кўп ёки камлиги.

Ресторан, театр, кино ва спорт билан боғлиқ ҳордиқ масканлари фаолияти нақадар яхши ёки ёмон йўлга қўйилгани.

Қундалик истеъмол моллари, озик-овқат таъминотининг сифати, автомобилга эга бўлиш имконияти.

Уй-жойни ижарага олиш, уй учун мебел ва бошқа зарур жиҳозларга эга бўлиш, уй-жойга хизмат кўрсатиш сифати.

Атроф-муҳит, табиий офатлар рўй бериши билан боғлиқ вазият.

Мерсег дунёнинг 230 мамлақати ичидан 33 шаҳарни яшаш учун энг ёмонлари деб топган.

Бу 33 шаҳар ичига Қозоғистондан ташқари барча Марказий Осиё р е с п у б л и к а л а р и



Тошкент дунёнинг ҳаёт сифати энг ёмон шаҳарлари рўйхатида

пойтахтларини киритган.

Яшаш учун энг ёмон шаҳарлар рўйхатидаги биринчи ўринга Ироқ пойтахти Бағдод қўйилган.

Бу рўйхатда 19-ўринга Тожикистон пойтахти Душанбени қўйишга қарор қилинган.

Мерсег таърифича, «қашшоқлик ва энергия тақчиллиги шаҳар ва бутун мамлакат учун катта муаммо. Шунингдек, Жаҳон Банки мутаносиб инфраструктура етишмаслиги боис бизнес билан шуғулланиш мушкуллигидан огоҳлантирган».

Қирғизистон пойтахти Бишкекка 21-ўринни берганлар ва Бишкек яшаш учун ёмонлигининг сабаби «мамлакат иқтисодий марказида қашшоқлик даражаси юқори» экани билан изоҳланган. «Айни пайтда ҳукумат ИШИД ёки ДОИШ номи билан танилган «Исломи Давлат» аъзоларининг давом этиб келаётган ҳужумлари билан курашиб келяпти», дейлади Мерсег ҳисоботида.

Ашқобод шаҳри 23-ўринга қўйилган ва Туркменистон пойтахтига шундай таъриф

берилади:

«Шаҳар ҳукумат томонидан қаттиқ назорат қилинади, иш билан таъминланганларнинг аксар фоизи давлат назоратидаги корхоналарга тўғри келади. Афсуски, шаҳар мунтазам сув тақчиллигидан жабр кўради, бу давлатнинг укувсиз бошқарувининг оқибатидир, бундан 2015 йили ҳаво ҳарорати Цельсий шкаласи бўйича 47,2 даражагача чиққан пайтда одамлар азобланадилар».

33 ёмон шаҳар орасидан Тошкентга 26-ўрин берилган.

«Марказий Осиё марказидаги пойтахт сўнгги йилда терроризм ўчоғига айланди. 2015 йили Тошкентдаги АҚШ элчилиги сўнгги 11 йил мобайнида биринчи марта ҳужумга учради ва ҳукумат ўсиб бораётган исломий экстремизмга қарши курашишга ҳаракат қилиб келмоқда».

Аксар кузатувчилар Мерсег ширкатининг Тошкентдаги хавфсизлик вазиятига берган баҳосига қўшилмадилар.

Манба: bbc.com/uzbek

“БУ КУНЛАР”ни эълон этганимга ҳали кўп бўлмади. Аммо муҳокама бошланди ва қизғин давом этапти. Фикр-мулоҳазаларнинг ҳаммасини кўра олмагандирман, лекин ўқиган қисмидан бир оралиқ хулоса қилиш лозимлигини тушундим.

Асарни тўлиқ (!) ўқиб чиққанларнинг юздан 99 фоизи ижтимоий тармоқларга, шахсий саҳифамга ва эл. почтамга мулоҳазаларини ёзиб, тўла қўллаб-қувватлашларини билдиришапти. Айрим нуқталарига эътироз этганлар ҳам бўлди, албатта.



Ўқилганини билдириш шарт бўлмаган гап

Иккинчи хил “ўқувчи”лар китобнинг бош қисмини ўқибок ёки чалакам-чатти кўз ташлаб чиқиб “муносабат” билдиришга шошилишди. Булар орасида ўзини “илм аҳли” санайдиганлар борлиги ва пойгани шулар бошлаб бергани ажаб. Ҳолбуки, динимиз шошқалоқликдан қайтарган, ҳадисга кўра шошқалоқлик шайтон амали экани қаттиқ таъкидланган!

Учинчи хил тоифа... гапиришга ва муносабат билдиришга ҳам арзимайди аслида! Иши ғаламисликдан бошқа нарса эмас. “Ўқимадим, ўқимайман ҳам, аммо бу одам ва бошқа унга ўхшаганлар...” деб санаб, на оддий инсонийликка, на одобга, на виждонга тўғри келадиган, айтилса тилни булғайдиган сўзлар билан муаллифни ҳақоратлашлар... У гаплар менга чивин чакқанчалик таъсир қилмайди, ўзларининг асл башараларини очибдилар, холос.

Лекин овора бўлмасинлар, мени мувоzanатдан чиқара олмайдилар! Ғаламисликлари ҳам тез орада элга ошкор бўлади! Ундайларни Оллох

билан ёлғиз қолдираман – Оллох, Ўзинг етарлисан уларга!

Аммо бошқа томондан боқилса, ундайларнинг жирракилиги “Бу кунлар”нинг ҳақлигини билвосита тан олишдир!

Умуман олганда, ҳозиргача кечаётган муҳокама керакли ва фойдали ўзандан окмаётгани бўртиб билиниб қолди. Айниқса, асарнинг ўзи ва унда кўтарилган масалалар бир четда қолиб, мўмин-мусулмонлар икки тоифага бўлиниб бир-бирига лой чаплашга тушиб кетгани энг хунук ишдир.

“Бу кунлар” гоёси бирлаштиришдир, ундан ҳар ким ўз байроғини юқори кўтариш учун фойдаланмасин. Мен қўлимдан келганича холис туриб ёзишга ҳаракат қилдим, сизлардан ҳам холис Оллох учун, мунозара одобига риоя этган ҳолда муҳокама қилишларингизни сўрайман.

Алоҳида эслатаман: “Бу кунлар” диний асар эмас, соф диний масалалардан баҳс этмайди. Зотан бунга кучим ҳам етмайди. Асар диний ҳаётимизнинг айрим

Яна бир гап: кимдир асарни ёқласа муаллиф унга дўст бўлиб қолмаганидек, кимдир танқид қилса у муаллифга ё муаллиф унга душман ҳам бўлиб қолмайди. Менинг дўстларим – имон, адолат, ҳақиқат; душманларим – куфр, зулм, ҳақсизлик, ёлғон. Шунинг учун беҳуда тортишишларни бир четга қўйиб, мамлакатимиз ва давлатимизнинг келажаги ҳақида биргаликда бош қотирганимиз фойдали.

Энди бир нозик масала. “Бу кунлар” муносабати билан Ўзбекистондан ғалаги-ғалаги хабарлар кела бошлади. Асар йўлини тўсишга жиддий ҳаракат

бошланибди; уни ўқиётганлар қидириляпти эмиш...

Одатдагидек, давлатимиз яна хато йўлга кирди чоғи: камчиликни тузатиш ўрнига, камчиликни айтаётган оғизни ёпишга, тузум танқидчиларини овлашга киришилибди. Нима қилиб бўлмасин, “Бу кунлар” омма кўлига етиб бормаслиги чораларини кўраётган эмиш...

Қошки бу билан муаммо ҳал бўлиб қолса! Жамиятни етти қават қўрғон билан ўраб, дарвозаларни ичкаридан танбалаб олган билан ахволимиз яхшиланмаслиги аниқ. Бугун битта оғиз зўрлаб ёпилса, эртага мингта оғиз очилади! Бугун бир киши тутилиб қўлидан қалами олиб қўйилса, эртага барибир бошқа кимдир ўртага чиқади ва ёза бошлайди!

Эс бўлса, ўртадан биринчи галда камчиликни кўтариш керак! Камчиликни кўрсатганни эмас!

Тушунаман:

– ҳақиқат бирдан ҳазм бўлмайди, замон керак;

– ҳақиқат аччиқ бўлади, чучук ёлғонлар таъмига кўникиб қолган оғизларга бирданига татимайди, ширин-ширин ёлғонларни эшитиб юрган кулоқларга бирданига ёкмайди.

Бугунча энг муҳими – ичкарида ва ташқарида халқимиз “Бу кунлар”ни ўқияпти, муҳокама қияпти, ўзининг ҳаётига четдан боқиб кўряпти, тушиб қолган ҳолатини таҳлил қияпти, кийинчилик билан бўлса-да, АСТА-СЕКИН УЙҒОНЯПТИ!

Нуруллоҳ Муҳаммад Рауфхон
Манба: Facebook.com



қирраларига, и ж т и м о и й х о л а т и г а м у н о с а б а т, холос. Буни баҳона қилиб ким диний мунозара очса ва диний фитна қила бошласа, г у н о х и ў з и н и н г бўйнига.

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

мактабу боғчалардан бошланган порахўрлик, таниш-билишчилик айбдор. Ҳа айтганча, авваллари бундан 10 йиллар олдин таниш-билишлар орқали теппа текинга иш битирса бўларди. Яъни яхшироқ танишингиз бўлса ишга жойлашиш бепулга тушарди. Шу кунларда эса..... Ҳа. Нукталар кўпайиб кетаяпти. Чунки гапирмоқчи, айтмоқчи бўлган фикрларимга энг зарур ва керакли сўзларни топа олмаяпман.

Ҳозирча порахўрлар орасига Районо ва Облоно мудирини аралаштирмай, фақатгина кичкина бир мактаб директори мисолида фикрларимни давом эттирай. Бунга менга бир ўқитувчининг куйидаги ҳикояси асос бўлади.

Мактабда ишлардим. Ўтган 2014 йилнинг август ойида мактаб директори «Ким Самарқанд, Бухоро, Тошкентга саёҳатга борса, мукофот пули ёзиб бераман» деди. Ҳеч кимдан садо чикмади. Чунки саёҳат йўлланмаси 740 минг сўм экан. Директорнинг премия ёзиб бераман деганига ишониб, мен номимни ёздириб қўйдим. Ва саёҳатга онам бориб келдилар. Ўтган йилдан шу кунгача мактаб директорига «Опой (бизда ўқитувчилар опой дейилади) премиямни қачон пластигимга тушириб берасиз, деявердим. Директор ҳам «молия премия учун пул ажратмаяпти» дейишдан чарчамади. Бугун туман молия бўлимига кириб, ҳамма гапни очиқ ойдин айтганимдан сўнг, молия бўлимининг бюджет бўлими бошлиғи мактабдаги буйруқлар китобини бирортасидан бериб юборинг, деб директорга телефон қилди. Директор опа нақ 2 соатда деганда ўзи буйруқ китобини кўтариб келди. Маълум бўлишича, буйруқ китобида менга премия ҳақидаги буйруқ ёзилмаган экан. Директорнинг бир йил давомида виждонсизларча мени алдаб юрганини ҳазм қила олмаяпман. Одамзот ҳам шу даражада юзсиз, виждонсиз, ёлғончи бўладими? Ахир 2014 йилнинг декабрь ойидан буён ҳар сафар ойлик тушишига якин директорнинг олдига кириб, премияни ҳам пластигимга ташлатворинг, деяверардим. У эса “хўп-хўп, молия пул ажратиши билан сизга туширтириб бераман”, дерди. Бир йил давомида кўзимга тик қараб ёлғон гапириб, бирор марта сесканмаганига, бирор

марта кўзларини олиб қочмаганига ҳайронман”.

Фарғона вилояти мактабларидан бирида бўлган бу воқеанинг давомини эшитинг. “Мен бу ҳақда аввал туман халқ таълими мудирига, сўнгра вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғига шахсан кириб, айтдим. Сўнгра Ўзбекистон республикаси халқ таълими вазирлигининг 1006 рақамли ишонч телефонида кўнғироқ қилиб ҳам шикоятимни баён қилдим. Бу пайтда мактабдан бўшаб кетганлигим учун директор опа менга ҳеч қандай зўғум ўтказа олмади. Ва премиямни тушириб берди, дейди аламзада ўқитувчи.

Худди ана шу ўқитувчининг бугунги кунда ҳам фиғонидан дуд чиқиб юрибди. Менга “сиз журналистсиз, нега ана шундай раҳбарлар ҳақида ёзмайсиз, ахир президентимизнинг “Барча бўғинларда инсофли, диёнатли, билимдон, тажрибали, ўз ишининг устаси (компетентли) раҳбарлар бошчилик қилмас экан, мустақил мамлакатимизнинг обрўси, унинг манфаати учун мардлик, жонқуярлик билан ишлаган экан ишларимиз кўнғилдагидек бўлмайди”, деган гаплари борку, дейди ўқитувчи соддадиллик билан.

У мен вазирликкача шикоят қилдим, энди жамият битта порахўр директордан кутилади, деб ўйлаганди. Аммо ... Яна оғрикли нуқта қўйганимга сиз ҳаммасини тушундингиз чоғи. Ҳа ўйлаганингиздек, “юқоридагилар” директор хонимни мудир хоним дея тайинлаб, эълон қилиб кетишиди.

Ўзбекистонда ишга кириш бир азоб, ишга киргандан сўнг ишлаб кетиш, иш берувчи раҳбарнинг қош-қовоғига қараб меҳнат қилиш яна бир азоб, дейди мактаб ўқитувчиларидан бири. Ҳар йили июн-август ойларида дарс тақсимоти бўлади. Ана ундаги қиёматни кўринг. Ким аввалроқ кириб, директор билан муомалани қуюқ қилиб чиққан бўлса, ана шу ўқитувчининг “кетмони учди” деяверинг. Пул беришни истасада, чўнтагидан шамол ўтиб турган ўқитувчилар яна ўша ҳафтасига 10 соатга ҳам етмаган дарс билан қолаверади. Директорнинг дилозорлиги, бакироклиги, одамларни уялмай нетмай ҳақорат қилиб юриши ҳақидаку гапирмаса ҳам бўлади, чунки булар халқ тили билан айтганда “мелич” нарсалар.

Яна ўша ўқитувчининг ҳикоясини

давомини эшитинг. “Нимага менга бир йил давомида “премия” яъни мукофот пули берилмаганлигини сабабини айтишди. Ҳар бир мукофот пули олган ходим, унинг ярмини директор хонимга бериши шарт ва мажбурий экан. Мен сал бетгачопар, ўз ҳаққини талаб қилувчи ходим бўлганлигим сабабли, директор мен билан бу ҳақда гаплашмаган экан.

Таълим тўғрисида ёзадиган журналистларни ҳам ёмон кўраман, дейди ўқитувчи. Бир сафар вилоятдаги “Адолат йўли” газетасидан бир мухбир келди. Унинг вазифасига қирадим йўқми синф журналларининг юритилишидан тортиб, ҳатто ҳожатхонагача бориб “текширди” (билишимча, журналистлар текширувчи эмас, таҳлилчи ёки кузатувчи бўлиши керак) ва журналдан “камчилик” топди. Баъзи фан ўқитувчилари пахта мавсуми бўлганлиги сабабли ўтилган дарсларни ўз вақтида қайд этиб қўймаган экан. Ва директор опа ташаббуси билан унга ўқитувчилар баҳоли қудрат пул йиғиб беришди.

Ўзи “олиб” ўрганган директор бошқаларни ҳам “олиш”га ўргатворганлиги шу кунларда халқ тилида дostonдек юрибди. “Ҳа каттароқ ташлагандир-да, бўлмаса..” дейди бир ўқитувчи, “нимасини айтасиз, 2013-2014 ўқув йилида мактабнинг 23 миллион пулини ўзлаштириб, жиғилдонига уриб олган эди. Ҳатто молия вазирлиги, прокуратуранинг бу ҳақдаги тақдимномаси ҳам бор... шундоқ директор мудир бўлиб ўтирса-я” дея ўз “фикри ожизини” баён эта бошлайди бошқаси, “энди бизга ҳам кун йўқ экан-да...” дейди унинг таъмагирлиги, “олди-берди”ни қуюқ қилишини билган бошқа мактаб директорлари... Ва энг ёмони ана шу бир инсон мисолида Ўзбекистонда коррупция аталмиш жиноятчилик қай даражада илдиз отганлигини билиш мумкин. Юқорида нимага ҳар бир мактаб дарвозасига қўйнинг оёғидан осиб қўйиш керак, деганимни энди тушунгандирсиз?

Адолат Тошканбой қизи

Манба: bbc.com/uzbek

“ERKIN YURT”

интернет-газетаси
Ўзбекистон Халқ Ҳаракати расмий
нашри
www.uzxalqharakati.com/erkinyurt
Мухаррир: Нурбек Саломов